

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- 2025 йилнинг биринчи 9 ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 14,00 триллион сўм (1,09 млрд доллар)ни ташкил этди, бу 2024 йилнинг биринчи 9 ойига нисбатан 10,39 триллион сўмга ёки 4 баробарга кўпдир.
- Ушбу ҳажмнинг 7,49 трлн сўм (586,29 млн доллар)и ёки 53,52 фоизи биржа котировкалаш varaғига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Қолган ҳажми уюшган биржадан ташқари бозорда (листингдан ташқари савдо майдончаси, ЛТСМ) тузилган битимлар ҳисобига шаклланди.
- Тузилган битимларнинг умумий сони 328 375 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 68 285 тага ёки 17,21 фоизга камайди. Шундан биржа котировкалаш varaғига киритилган қимматли қоғозлар билан 281 127 та битим, уюшган листингдан ташқари бозорда эса 47 248 та битим тузилди.
- Ўртача кунлик савдолар ҳажми 74,49 млрд сўм (5,81 млн доллар)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 747 тани ташкил этди.
- Давр якунларига кўра, UCI индекси 7,01 фоизга ошиб, 701,05 пункт даражасида ёпилди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 6,83 трлн сўм (534,48 млн доллар)ни ташкил этиб. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,51 трлн сўмга ёки 3 баробарга ошди. Савдоларнинг асосий ҳажми (6,49 трлн сўм) пулсиз ҳисоб-китоблар платформаси (Free of Payment Board, FoP) ҳиссасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 36,34 млрд сўм (2,84 млн доллар)ни, битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 456 тани ташкил этди.

Акцияларнинг бозор капиталлашуви 25,51 трлн сўмга ёки 11 фоизга ошиб, 267,93 трлн сўм (22,20 млрд доллар)ни ташкил этди. Эркин муомалада бўлган акцияларнинг (free float) бозор капиталлашуви эса 4,18 трлн сўмни ташкил қилди.

9 ой якунлари бўйича, Биржанинг котировкалаш varaғига 93 та акция эмитентининг 135 та инструментлари киритилган.

Акция бозорининг асосий кўрсаткичлари.

		2021	2022	2023	2024	2025
Савдо ҳажми	млн сўм	928 073	3 394 137	2 217 746	2 321 723	6 831 226
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	4 963	18 547	11 988	12 550	36 336
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	20	58	9	7	25
Битимлар сони	дона	47 291	58 702	247 341	356 056	273 738
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	253	321	1 337	1 925	1 456


Эмитент	Тиккер	Ўпилиш нархи, бир акция учун (сўм)			Савдо ҳажми, млн сўм		Битимлар сони	
		03.01.2025	30.09.2025	Δ, %	2024 йил 9 ой	2025 йил 9 ой	2024 йил 9 ой	2025 йил 9 ой
Aloqabank	ALKB	0,40	0,44	10,00%	98,44	46 441,38	3 307	13 957
Hamkorbank	HMKB	24,59	30,99	26,03%	1 658,80	18 878,76	12 209	9 698
O'zRTXB	URTS	3 600,00	4 510,00	25,28%	12 147,77	13 988,41	8 732	19 091
Universal bank	UNVB	9 000,00	8 597,00	-4,48%	9 125,91	8 976,21	1 143	678
Elektrqishloqqurilish	EQQU	369 000,00	301 000,00	-18,43%	5 857,43	7 538,51	164	181
O'zbektelekom	UZTL	3 911,00	5 894,00	50,70%	2 952,58	2 455,68	14 476	7 394
O'zmetkombinat	UZMK	4 181,00	3 750,00	-10,31%	5 203,64	1 878,24	7 103	3 506
Qizilqumsement	QZSM	1 495,01	822,90	-44,96%	1 792,78	1 758,19	8 443	12 505
Chilonzor buyum savdo kompleksi	CBSK	1,99	2,19	10,05%	1 481,57	1 401,79	13 206	15 509
O'zbekinvest	UZINP	1 100,00	1 207,00	9,73%	1 033,14	928,76	4 419	4 602

* Акциялар бозори битимлари ҳажми бўйича қимматли қоғозларнинг Top-10 талиги, "Main-Board"

UCI ИНДЕКС

Давр якунларига кўра, UCI индекси 7,01 фоизга ошиб, 701,05 пункт даражасида ёпилди.

2025 йил 9 ой якунлари учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 662,94 млрд сўм (51,80 млн доллар)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг 9 ойига нисбатан 547,02 млрд сўмга ёки 6 баробардан кўпроққа ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 3,53 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 39 тани ташкил этди.


Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,50 трлн сўм (124,66 млн доллар)ни ташкил қилди.

Давр якуни бўйича Биржанинг котировкалаш варағига 11 та облигация эмитентининг 19 та инструментлари киритилган.

Облигация бозорининг асосий кўрсаткичлари.

		2021	2022	2023	2024	2025
Савдо ҳажми	млн сўм	58 203	101 328	80 158	115 920	662 940
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	311	554	433	627	3 526
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	206	2 980	309	48	90
Битимлар сони	дона	283	34	259	2 429	7 382
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	2	0,2	1	13	39

Облигациялар картаси



ЛИСТИНГ

9 ой якунлари бўйича биржа котировкалаш варағида 102 та эмитентнинг 154 та инструментлари жой олган.

Ҳисобот даврида 14 та эмитентнинг 18 та янги инструментлари - 8 та корпоратив облигациялар ва 10 та акциялар чиқарилуви киритилди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНЧАСИ

9 ой якунларига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 47 248 та битим тузилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоизга кўпдир.

Савдолар ҳажми 6,51 трлн сўм (505,63 млн доллар)ни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 бараварга ошган. Жами 192 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.